

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 164 (10.469)

2005 ЙИЛ 23 АВГУСТ

ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ — ОЛИЙ МАСЪУЛИЯТ

Аввал хабар қилинганидек, шу йил 19 август кuni Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Мажлисида 26 август кuni очиладиган Сенатнинг навбатдаги сессиясида кўриладиган масалалар ҳақида атрофлича фикр алмашиб, бу сессияни юқори даражада ўтказиш, унинг кун таркибига бугунги ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган долзарб масалаларни киритиш зарурлиги таъкидланди.

Шуни қайд этиш лозимки, мазкур йиғилишда Олий Мажлисининг қуйи — Қонунчилик палатаси раҳбарияти, кўмига ва партия фракцияларининг раҳбарлари ҳамда фаоллари иштирок этгани учрашуга алоҳида маъно-мазмун бағишлади.

Йиғилиш муҳокамасига қўйилган асосий масала, яъни Қашқадарё вилоятидан сайланган сенаторларнинг «Хонобод» шаҳарчасидаги аэродромда жойлашган АҚШ ҳарбий-хаво кучлари контингентини Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиш ҳақидаги мурожаати билан бирга, Андижон шаҳрида шу йилнинг 12-13 май кунлари содир этилган фожиали воқеаларга баҳо бериш масаласи ҳам кўрилди.

Куйида ушбу мажлисининг қисқача баёни эълон қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари Кенгаш мажлисидаги ўз нутқида мамлакат парламентининг муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича фаолияти ҳақида фикр юритиб, бугунги куннинг кўпгина долзарб масалалари, шу жумладан, эл-юртимизнинг тинчлигига хавф солиб, барқарорликни таҳдид остида қолдирадиган, фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хатарларга ўз вақтида баҳо бериш ва уларни бартараф этишни ҳаётнинг ўзи ўртага қўймоқда, деб таъкидлади.

Мажлисида Андижон воқеаларини ҳолисона таҳлил қилиш, бу фожиянинг асосий сабабларини чуқур ўрганиш ва ундан тегишли хулосалар чиқариш хозирги вақтда бутун жамятимизнинг энг долзарб вазифаси бўлиб қолаётганига эътибор қаратилди.

Бу террорчилик ҳаракатининг иштирокчилари ўз йўли билан, аммо уларнинг ташкилотчилари ҳақида алоҳида фикр юритиш, ҳақиқий башарасини очиб ташлаш, бу воқеаларнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, гаразли ва узокни ўйлаб амалга оширилган қўпуровчиликдан қўланган асл мақсадни фош этиш, юртдошларимизни бу хуружларни бартараф этиш учун сафарбар қилиш — халқ вакиллари, халқнинг таянчи ва ишончи бўлиши депутатлар ва сенаторларнинг юксак масъулияти ва асосий вазифасига айлангани зарурлиги тўғрисида давлатимиз раҳбари қуйиниб қилди.

Бугун Ўзбекистон ўзининг миллий манфаатларини қўзлаб олиб бораётган мустиқл сиёсатни кўролмадсан, уни ўзгартиришга қаратилган бу ёвуз ҳаракатларни, юртимиз шаъни ва обрўсига доғ тушириш, халқро майдонда унинг юзини ерга қаратиш учун катта маблағ, катта куч ташлаб, тўхмат ва уйдирмаларни тарқатиб, мамлакатимизга нисбатан эълон қилинмаган информацион урушни ким ва нима мақсадда бошлагани ҳақида халқимиз тўла хабардор бўлиши, уни чуқур англаши лозимлигига алоҳида урғу берилди. Бу — ўта жиддий ва масъулиятли ишга муносиб ҳисса қўиши барча раҳбарлар, ҳар бир депутат ва сенатор учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши даркорлиги қайд этилди.

Ана шу масалалар депутат ва сенаторлар томонидан атрофлича муҳокама қилинди ҳамда бу борада амалий тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Сўзга чиққанлар кун тартибидидаги масалаларни батафсил ва ҳар томонлама таҳлил этиб, бу масалаларни ўз қалби ва онгидан ўтказиб билдирган фикр-мулоҳазаларининг асосий маъно мазмунини қуйидаги хулосаларда мўжассам этиш мумкин.

Биринчидан. Андижонда содир бўлган бу машъум фожиа тарихимизда, халқимиз ҳаётида кўп йиллар давомида битмайдиган оғир яра, жароҳат бўлди. Энг аввало, бу фожиа тўғрисида қанча одам ҳалок бўлди.

Тинч ва осойишта ҳаётимизни сақлаш, эл-юртимизни ҳимоя қилиш учун мардонга жон берган ҳарбийларимиз бўладими, беғуноҳ қурбон бўлган тинч аҳоли вакиллари бўладими — ҳаммасининг ота-онаси, жигарбандлари, ёру биродарлари бор. Уларнинг ота-онаси, яқинлари олдида бош эгиш, дардида ҳамдард, қайғусига шерик бўлиш — барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Давоми 2-бетда.



«ЎЗБЕКИСТОН КЎШИҚ БАЙРАМИ» ГОЛИБЛАРИ



Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида Ватанимиз Мустиқлигининг 14 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон кўшиқ байрами» анъанавий кўрик-танлови тантанали равишда яқунланди. Тадбир Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Бастакорлар ва Ёзувчилар уюшмалари, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов ташаббуси билан бошланган ушбу кўрик-танлов ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этаётди. Онаюрт, мустиқлик, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятини тараннум этувчи ашулалар, муסיқий асарлар яратиш мақсадида ташкил этилаётган мазкур тадбир йил сайин оммалашиб, янги-ча маъно ва мазмун билан бойимокда. Кўриқда профессионал хонандалар билан бирга талаба ёшлар, ҳарбийлар, ҳаваскор ижрочилар ҳам ўз истеъдодини намоян этмоқдалар.

Танловнинг яқунги босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридан голиб чиққан иштирокчилар ҳамда Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, турли давлат кўмиталарининг ижодий жамоалари қатнашдилар.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети бадий жамоаси хонандалари Дилфуза Бозорова ҳамда Гулчеҳра Алиева Анвар Обиджон шевъри, Анор Назаров муסיқиси билан ижро этган «Ёшлар замони» кўшиғи биринчи ўринга лойиқ топилди.

Мудофаа вазирлиги Куролли Кучлар Марказий ашула ва ракс ансамбли хонандалари Шерзод Имомбердиев ҳамда Умид Хайдаралиев ижросида Иброҳим Жиянов сўзи ва Шуҳрат Дадажонов муסיқиси билан айтилувчи «Буюк Ўзбекистон», Аббос Бакиров номидаги Андижон давлат ёшлар театри хонандаси Гавҳарой Ҳамидо



ва ижросидаги Бобур Бобомурод сўзи, Алишер Икромов муסיқиси билан айтилувчи «Ватаним», Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани маданият уйи ходими Бахтиёр Усмонов халқ сўзи, Раҳматилла Мўминов муסיқиси билан айтилувчи «Бунча кичик бўлур-мисан» кўшиқлари учун иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Ангрен шаҳридаги «Тарона» ёш кўшиқчи ва созанда-лар дастаси аъзоси Марҳаб Аҳмедовага Нормурод Нарзуллаев сўзи, Дилором Омонуллаева муסיқиси билан айтилувчи «Зебо юртим», Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани маданият уйи ходими Санжар Турсуновга Маҳмуд Тоир сўзи, Илхом Жавдатов муסיқиси билан айтилувчи «Ватан туғи», пойтахтимиздаги Мухтор Ашрафий номидаги 7-санъат мактаби ўқувчилари Нигора Исмоилова, Зиёда Қобилова ва Нозима Пўлатовага Фотима Зиёмухамедова сўзи, халқ муסיқиси билан айтилувчи «Тошкентим қизлари» кўшиқлари учун учинчи мукофот насиб этди.

Кўрик-танлов таниқли санъаткорлар ва голибларнинг катта концерти билан яқунланди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ



Мамлакатимизда

• Хоразм вилоятининг турли ҳудудларида жойлашган етти мактабда биология хоналари замонавий таълим стандартларига мувофиқ ўқув-лаборатория усуналари ва махсус мебеллар билан жиҳозланди. Бу қадим воҳода Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг навбатдаги босқичи ижроси натижаси бўлди.

• Республика Акушерлик ва гинекология илмий-тектириш институтининг Наманган филиалида «Репродуктив саломатлик-2» дастурига асосан 192 минг евро қийматидаги 1 та стационар, 1 та портатив «Сонмед-400» замонавий тахшиш аппаратининг тақдими маросими бўлди.

• 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ Данғара туманидаги икки мактаб капитал реконструкция қилиниб, тўртта капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди.

• Оқўрғон туманидаги Охунбобоев номи ширкат ҳўжалигида уруғлик учун экилган гўза парварини намунали ташкил этиш, ҳосил йиғим-теримига алоҳида тайёргарлик кўришга бағишланган вилоят ўқув-машғулоту бўлиб ўтди.

• Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги олимпия заҳиралари коллежи спорт манежида оғир атлетика бўйича Осиё чемпиони давом этмоқда.

Жаҳонда

• Куба пойтахти Гавана шаҳрида Куба ва Панама давлатлари раҳбарлари хар иккала мамлакат ўртасида ўзаро дипломатик алоқаларни меъёрлаштириш юзасида битим имзолашди.

• Бразилия молия вазир Антонио Палосси коррупцияда айбланмоқда.

• Португалияда ўрмон ёнғинлари авжига чиқиб, мамлакат иқтисодиётига катта зарар етказмоқда. Чўнончи, ёнғинлар натижасида мамлакатда йил бошидан буён 13 киши ҳаётдан кўз юмди. Португалия ҳукумати Европа Иттифоқидан ёнғинларни жиловлаш борасида ёрдам сўради.

• Голландиянинг Лейден шаҳрида машҳур физик олим Альберт Эйнштейнга тегишли ноёб кўлэзма топилди.

ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ — ОЛИЙ МАСЪУЛИЯТ

Давоми. Боши 1-бетда.

Қолаверса, мияси заҳарланган, алданган босқинчиларнинг ҳам ота-оналари борлигини унутмаслик керак.

Иккинчидан. Афсус билан айтиш лозимки, Ўзбекистон шавнига доғ бўлиб тушган бу фожиа ганимларимизнинг тегирмонига сув куйишга, уларнинг бизга қарши маломат тошларини ёғдирган информაციон хуружларига сабаб бўлди. Ана шундай гаразли кучларнинг уйдирмалари Ўзбекистонни бадном қилиш учун уринишларга, мамлакатимизга нисбатан мутлақо асосиз айблар қўйилишига олиб келди. Буни барчамиз чуқур тушуниб, зарур хулосалар чиқаришимиз керак.

Учинчидан. Шу кунларда Муствақиллик байрами муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимизнинг давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлаш масаласи бўйича иш олиб борилмоқда. Жумладан, Андижон воқеаларида ўзини кўрсатган, мардлик ва матонат фаилатларини намоён этган йигитларимизни ҳам мукофотлаш юзасидан ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, изтироб билан айтиш лозимки, ана шу йигитлар қаторида хавфсизлик хизмати, ички ишлар, махсус ҳарбий қисмларда хизмат қилган 7 нафар марҳум ўғлонларимиз бор. Ҳали ҳаётга тўймаган, юрагида орзу-хаваслари кўп бўлган бу йигитларнинг таржимаи ҳоли, хизмат фаолияти билан танишар экан, одам ҳайратда қолади — юрт бошига иш тушганда, хавф тушганда улар ҳеч иккиланмасдан, ўзини четга олишни ҳаёлига ҳам келтирмасдан, ҳақиқий мардлик ва жасорат намунасини кўрсатди.

Униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз орасида ўзининг жонини эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги учун фидо этишга тайёр бўлган шундай довирак ўғлонларимизнинг борлиги - Ватанамизга гаразли ният билан кўз олайтирадиган ҳар қандай босқинчилик ва тажовузкорлик уринишларининг олдини олиш, муқаддас заминимизни барча хатарлардан ҳимоя қилишнинг ишончли ва мустаҳкам кафолатидир, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу муносабат билан ҳар қайси ўзини эр йигит, мард деган инсон — у ким бўлмасин, оддий дехқон ёки ишчиси, депутат ёки сенатори — ўз ўзига шундай савол билан мурожаат қилиши табиий:

агар мен ана шу йигитларнинг ўрнида бўлсам, ўзимни қандай тутардим? Ўзимни аямасдан, ширин жонимни, ҳаётимни юрт учун беришга қурбим, мардлигим етармикми?

Мана шундай қалби, юраги пок, қатъиятли, мард йигитларга тарбия берган, уларни вояга етказган, оқ ювиб, оқ тараб, Ватан ҳимоясига, ҳарбий хизматга йўллаган ота-оналар ва маҳалла-қўй жамоатчилигига, уларнинг қариндошлари ва ақинларига ҳар қанча тасанно ва миннатдорлик билдирсак, арзийди, албатта.

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида шундай ўй-хаёл, шундай фикр билан яшайдиган, ўзини ҳар қандай синовга тайёрлаб юрган жасур йигитларимизнинг қўллиги одамга куч-қувват ва ишонч бағишлайди.

Тўртинчидан. Андижонда содир бўлган воқеаларга муносабат билдириб, матбуот ва телевидениедаги, фуқаролар орасидаги кўпгина чиқишларда баҳо бериб, мажлис иштирокчилари мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаганини афсус билан таъкидлашди.

Авваламбор, депутат ва сенаторлар, жамоатчилик етакчилари ва кайвонилар кўпроқ юзаки, таъсири йўқ, эски қолиплар доирасида ўралашиб қолгани, ақсарият ҳолларда жиддий таҳлиллар ўрнига, масалани чуқур очиб бермайдиган саёз усул ва шакллар устунлик қилгани айтиб ўтилди. Албатта, буларнинг ҳаммасини кўриб-билиб турган сайловчиларимиз, юртдошларимиз барчамизга қандай баҳо бермоқда? Бу савол ҳар қайси раҳбар, депутат ва сенаторни шу ҳақда жиддий ўйлашга, фикр юриштишга даъват этади.

Мажлисда шу фикрлар ҳар томонлама таҳлил қилиниб, уларнинг атрафидида кўпгина танқидий ва ҳеч кимни бефарқ қолдирмайдиган мулоҳазалар билдирилди, оғир ва қаттиқ саволлар ўртага қўйилди.

Шу борада, минг афсуски, ҳали-бери орамизда кўп учрайдиган иллатлар — бепарволик, лоқайдлик, оч қорним - тинч қулогим, деган фалсафа билан яшашни ўзига маъқул кўриш, мураккаб синовлардан ўзини олиб қочиш каби эски асоратлар, кўпгина раҳбар ва мансабдорларга, вазифада ўтирганларга хос бўлган сен - менга тегма, мен - сенга, деган номақбул қарашлар бошимизга иш тушган айнан мана шундай дамларда ўзини яққол намоён қилади.

Ўзининг шахсий манфаатларини, бугунги ва эртанги ҳаловатини халқ манфаатидан устун қўйиш, ҳар эҳтимолга қарши, ким билади, эртага замон ўзгарса, мен қай аҳволда қоламан, қандай мансаб ва имтиёзлардан жудо бўламан, деб ўйлаш ва шундай фикр билан яшаш — айрим вазифа курсидада ўтирган шахслар учун одатга айланиб қолгани ҳам, афсуски, ҳеч кимга сир эмас.

Ҳаммамиз бир нарсани яхши тушуниб, ўзимизга хулоса қилиб олишимиз керак. Ўзини раҳбар, етакчи деб ҳисоблайдиган, депутат ёки сенатор вазифасига эга бўлган ҳар қандай инсон халқимизга қарши, эл-юртимизга қарши қаратилган зарбани, керак бўлса, найзани — аввало унинг ўзига қаратилган ҳаракат, деб қабул қилиши даркор. Ва бу хавфни кўрагини қалқон қилиб, худдики ўзининг юрагига найза урилайтгандек қабул қилиши керак. Агар бундай мардлик кўрсатиш учун қурби, куч-қудрати, ақл-заковати етмаса — уни раҳбар ёки депутат бўлишга ҳеч ким мажбурлагани йўқ.

Мажлисда «АҚШ қуролли кучларининг контингентини «Ҳонобод» аэродромидан олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бир гуруҳ сенаторларининг мурожаати тўғрисида»ги масала атрафлича муҳокама қилинди.

Кенгаш йиғилишида Қашқадарё вилоятидан сайланган сенаторлар сўзга чиқиб, шу масала юзасидан фуқаролардан кўплаб шикоят ва аризалар тушаётгани ҳақида ахборот беришди. Сўнгра, «Ҳонобод» аэродромидан фойдаланаётган АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари контингентини у ердан олиб чиқиш зарурати бўйича далил-исботлар баён қилинди.

Мазкур мурожаатда «Ҳонобод» аэродроми атрафидида истикомат қилаётган кишиларни, бугун Қашқадарё вилояти аҳолисини ташвишга солаётган қатор сабабларга эътибор қаратилди. Аввало, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли оғир самолётларнинг учиб-қўниши атраф-муҳитга, вилоятнинг табиатида, аҳоли саломатлигига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, аэродром атрафидида истикомат қилаётган аҳолининг қишлоқ ҳўжалиги фаолияти билан боғлиқ ишларида, кундалик ҳаёт тарзида кўплаб муаммолар туғдирмоқда.

Сенат Кенгаши қашқадарёлик сенаторларнинг мурожаатини атрафлича муҳокама қилди ва уни кўплаб-қувватлаб, бу масалани Сенатнинг навбатдаги сессияси йиғилиши муҳокамасига киритишга қарор қилди.

Бу масала юзасидан бўлиб ўтган фикр алмасув ва муҳокамалар чоғида куйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор берилди.

«Ҳонобод» аэродромида жойлашган АҚШ ҳарбийларининг кейинги тақдири, юридик ибора билан айтганда, уларнинг статуси ҳақидаги масала Ўзбекистон томонидан 2002 йилнинг охирида АҚШ раҳбарияти вакиллари олдига қўйилган эди. Яъни, Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида имзоланган Битимда кўрсатилган муддат — бир йил ўтиши билан бу масала ўртага қўйилди.

Бунда Афғонистон ҳудудида фаол ҳарбий ҳаракатлар тугаши муносабати билан бу аэродромдаги ҳарбийларнинг кейинги тақдири билан боғлиқ масалани ҳал этиш заруратида АҚШ томонининг эътибори қаратилди. Лекин АҚШ вакиллари турли сабабларни рўкач қилиб, бу масалани ечишни орқага суриб келди.

Айни пайтда, ушбу аэродромни Америка ҳарбийларига ажратиш учун Ўзбекистон томонидан сарф қилинган маблағларни қоплаш масаласи бўйича музокаралар ҳам улар томонидан чўзиб келинди.

Олиб борилган музокаралар давомида Ўзбе-

кистон томони дунёдаги энг юксак тараққий топган кучли давлат билан алоқани бузиш эмас, аксинча, дўстлик, ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш ва шундан манфаат топишни ўзига мақсад қилиб қўйди. Минг афсуски, давлатимизнинг мана шундай интилишига АҚШ раҳбарияти томонидан эътибор берилмади.

Кенгаш йиғилишида сўзга чиққанлар Ўзбекистон жаҳон миқёсида, биринчи галда Марказий Осиё ҳудудида тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун мустаҳкам пойдевор ва кафолатларни ташкил қилиш тарафдори эканини таъкидлашди.

Мажлисда шу фикрга алоҳида урғу берилдики, ҳар қандай ҳудудда бирон бир ҳарбий база пайдо бўлса, унга қарши бўлган, уни йўқ қилишга қаратилган кучлар ҳам пайдо бўлиши муқаррар. Бу — фалсафа эмас, ҳаётий ҳақиқат.

Шунинг учун Марказий Осиёда жойлашган ҳарбий базалар, умуман айтганда, қанча кам бўлса ва уларнинг бу ерда мавжуд бўлишига барҳам берилса — бунинг ўзи шу минтақада, шу ҳудудда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга қўшилган энг катта ҳисса бўлади.

Бугун Марказий Осиё минтақасидаги мана шундай ўту мураккаб ва таҳликали бир вазиятда Сенат Кенгаши олдимизда турган энг муҳим ва долзарб вазифа қаторида сезгирлик ва ҳўшёрликни янада кучайтириш масаласини ўртага қўйди.

Бундай гоят хатарли шароитда давлатимиз, ҳукуматимизнинг мана шундай хавф ва таҳдидларни инобатга олиб, яққо ягона тўғри сиёсатни танлаб олиши ва юриштишида, эл-юртимизни бало-қазолардан омон сақлашда, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган келажакни қуришда барчамиз — биринчи раҳбардан тортиб энг оддий фуқарогача ўз масъулиятимизни сезиб, ҳар қайсимиз ўз жойимизда бизга юклатилган, ишониб топширилган ишни виждонан бажаришимиз даркор.

Биз бугун ҳуқуқий демократик давлат қурмоқдамиз. Ана шу мақсад йўлида, халқимизнинг туб манфаатларига жавоб берадиган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва олиб боришда барчамиз масъул ва жавобгар эканимизни ҳар томонлама англаб яшашни бугун замоннинг ўзи энг муҳим ҳаётий заруратга айлантирмоқда.

Юртимизда давлат ва жамиятни бошқариш соҳасида демократик тамойилларни чуқурлаштириш борасида кейинги пайтда сезиларли, қатъиятли ислоҳотлар ўтказилмоқда ва улар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда икки палатали парламент тuzилди, қуйи палата — Қонунчилик палатаси билан бирга юқори палата — Сенат шаклланди. Ва аввал Президент бошқарадиган ва бажарадиган кўпгина ваколатлар Сенат тасарруфига берилди.


Шундан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий ҳаётимизда кўплаб ўзгариш ва янгиланишларни кутишимиз табиий, албатта. Ва ана шундай кенг ва ўта муҳим ваколатларга эга бўлган парламентимиз ўз масъулиятини ошириши ва ҳаётнинг ўзи олдимизга кескин қилиб қўяётган мураккаб ва таҳликали масалаларни ҳал қилишда ўзини кўрсатиши даркор.

Мажлисда катта таассуф билан таъкидландики, Олий Мажлис фаолиятида, айрим депутатларнинг қарашларида ҳали-ҳануз эскича ёндашувлар ҳукм сурмоқда. Бугунги ҳаёт талаблари, бугунги вазият тақозо этган вазифаларни бажаришдаги заифлик, масъулиятни ўзига олмаслик, кимнингдир соясига яширинишга уриниш — ана шундай эскича қарашларнинг яққол кўриниши бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи ўзининг ваколат доирасида ўз вазифасини сидқидилдан адо этиши зарур.


Ҳам давлат идораси, ҳам ижтимоий идора бўлиши парламентимиз, халқ ваколатига эришиб, демократик тамойилларни ўз фаолияти учун асос қилиб олган, кўп имкониятларга эга бўлган Олий Мажлисимиз ўз салоҳиятини намоён этиши, давлатимиз олиб бораётган сиёсат, авваламбор, ташқи сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ўз жавобгарлигини кўрсатиши, халқимизнинг ишончини оқлаш учун бор куч-имкониятини сафарбар қилиши — бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир.

ЎЗА

Мустақиллик медалари



ЧИЛОНЗОР – ЯШНАЁТГАН ЧАМАНЗОР



Мустақиллигимиз шарофати билан йилдан-йилга чирой очиб бораётган Чилонзор тумани пойтахтимизда барча соҳаларда туб ўзгаришлар ва янгилıklarга юз тутаётган туман сифатида алоҳида ажралиб туради. Ҳозирги кунда тумanning умумий майдони 2994 гектардан иборат бўлиб, 49 та маҳаллада 238 минг нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. “Катта Қозиробод”, “Чилонзор”, “Дўмбиробод”, “Чарх Камолон”, “Қатортол”, “Мевазор” каби маҳаллар энг катта, файзли ва замонавий қиёфа касб этаётган гўшалардан ҳисобланади.



Мазкур туманда бунёдкорлик ишларининг самараси Олий Мажлис биноси, Алишер Навоий номидаги Миллий боғда яққол акс этса, Халқлар дўстлиги шохкўчасида қурилган кўркам, замонавий, мустақам кўприк йўлларни бир-бирига туташтириди, транспорт воситалари қатнови учун қулайликлар яратиш билан бирга, тифизикларнинг олди олинди. Зеро, халқимиз “Юрти обод элнинг кўнгли ҳам обод” деб бежиз айтмайди.



Тумандаги мухташам Халқлар Дўстлиги саройи, кўркам шохкўчалар, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Муқимий номидаги мусиқали драма театри, Оперетта театри, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Гагарин номли кинотеатр, 3 та мусиқа ва санъат мактаблари, 2 та маданият саройи, 4 та маданият уйи, Фуркат номидаги марказий ҳамда 12 та оммавий кутубхона 2 та катта бозор, мингга яқин савдо дўкони, 250 га яқин умумий овқатланиш корхонаси, обод гузарлар, “Отчопар” спорт мажмуаси, 3 та стадион, кўплаб очик спорт майдонлари, спорт заллари туман ободлиғи ва халқ фаровонлиғининг яққол намоёйиши ҳисобланади.



Сиҳат-саломатлик йилида тумандаги энг замонавий тиббий-техник асбоблар билан жиҳозлан-

ган, етук мутахассислар фаолият юритаётган В.Воҳидов номидаги жарроҳлик илмий маркази, Гематология ва қон куйиш илмий-текшириш институти, Республика саломатлик маркази, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг марказий шифохонаси жамоалари аҳоли саломатлиғи йўлида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2001 йилда 1-Республика клиник шифохонаси таъмирланиб, жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган янги тиббиёт биноси қурилди ҳамда у Республика тез-шошилич тиббий ёрдам марказига айлантирилди. Ҳозирги кунда 7 та оилавий поликлиника филиаллари, 7-туғруқ мажмуаси, 2-шаҳар Перинатал маркази, 3 та диспансер, Давлат санитария эпидемиология назорати маркази, тез ёрдам кўрсатиш станцияси, 2 та шифохонада чилонзорликларга намунали тиббий хизмат кўрсатилмоқда ва улар тиббиёт соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотлар сирасига қиради.

Туман бўйича чакана савдо айланмаси 133 фоизга, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 143 фоизга ошганлиғи эътиборга молик. Жами йил бошидан буён 1956 та янги иш ўринлари яратилган бўлиб, жумладан, улардан 1332 таси кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келмоқда. “Совпластитал” қўшма корхонаси, “Алгоритм” очик акциядорлик жамияти, “PGS” хусусий ишлаб чиқариш корхонаси, “8-темир-бетон буюмлари завод”лари нафақат туман, балки пойтахт, республикамиз иқтисодиёти ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Энг муҳими, Чилонзор туманида истиқлолимиз тантаналари ўтадиган Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, шунингдек, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, пойтахтликларга шоду хуррамлик кайфиятини бағишлаш ишлари тугаланиш арафасида.

**Муҳаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА**

Алоқа

**САМАРАЛИ
ИЗЛАНИШЛАР
ТАҲЛИЛИ**

Таълим тизимини ахборотлаштириш шу куннинг долзарб масалаларидан бирига айланиб қолди. Ана шу муҳим техник жараёни ўқув амалиётига татбиқ этиш йўлида Ташкент Ахборот технологиялари университетида қатор йирик изланишлар олиб боришмоқда.

Олий ўқув юртининг мутахассис олимлари мамлакатимизда жамиятни ахборотлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни жадаллаштириш ишига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида бир қанча муаммолар ечимини топишга эришдилар. Қўлга киритилган бу ютуқлар Тошкентда «Жамиятни ахборотлаштириш муаммолари ва шартлари» деган мавзуда ўтказилган анжуманда атрофлича таҳлил қилинди.

**ҲАМКОРЛИҚДАГИ
НАШР**

«Телекоммуникациянинг долзарб муаммолари» деб номланган тадқиқот юзга келди. Йирик илмий тўплам ҳолда чоп этилган мазкур янги нашр инглиз тилида босмага тайёрланди.

Икки қисмдан иборат бўлган ушбу китоб Тошкент Ахборот технологиялари университети, Грециядаги Патрас университети ҳамда Бельгиядаги Антверпен олий техника мактаби олимлари ҳамкорлиғида рўйба чикди. Нашр учун халқаро ТАСИС-Темпус гранти ажратилди.

**МАРКАЗ
ТАДҚИКОТИ**

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази фаолияти янада кенгайиб кетди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиғига қарашли бу марказ яна бир муҳим йирик изланишга қўл урди.

«Жамиятни ахборотлаштиришнинг ҳуқуқий асослари» бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар ахборот-коммуникация технологияларига оид ҳужжатларни тайёрлашда муҳим омил бўлади. Бундай ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мамлакат қонунчилиғи ва хориж тажрибасига таянган ҳолда ҳозирланмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

Тараққий толган жамиятда «Аёл — оила тебратувчиси» тушунчаси ўз оддий маъносидан анча илгариллаб кетган. Бугунги кунда аёлни ишдан ташқари, у ёки бу фаолият билан шуғулланмаслигини тасаввур қилиш қийин. Инсониятнинг гўзал хилқати вакиллари айна кунда сийсат, иқтисодийёт соҳаларида, илм билан машғулдирлар. Улар олимпиада, шифокор, ўқитувчи, файласуф, қонун ижодиёти билан шуғулланмоқда. Умуман олганда жамиятда аёлнинг ўрни ва аҳамияти сезилмайдиган соҳанинг ўзи бўлмаса керак.

Мамлакатимизда аёллар ҳаракатини фаоллаштириш бўйича кенг қамровли ва мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Аёллар манфаатини қўллаб-қувватлаш масалалари давлат сийсати даражасига кўтарилган. Республика ҳукумати томонидан аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сийсий, иқтисодий ҳаётида тўлақонли иштирокини таъминлаш бўйича мажмуавий чора-тадбирлар йўлга қўйилган. Аёлларнинг ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини оширишга йўналтирилган ҳукумат қарорлари ҳаётга татбиқ этилаётган. Мамлакатимиз Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони нафақат қайд этилган жамоат тузилмасининг янада ривож топишига йўналтирилган. Мазкур ҳужжат авваламбор аёллар фаолиятини кенгайтириш, уларнинг ҳаётини нуктаи назарини юксалтириш, таълим ва касб маҳоратини ошириш, қолаверса мамлакатнинг барча ижтимоий-сийсий жараёнларида кенг иштирокини таъминлашга қаратилгандир.

Мустақилликнинг 14 йили давомида мамлакатимиз аёллари кўп соҳаларда салмоқли ютуқларга эришдилар. Ва бу ҳақда бугунги кунда улар алоҳида ғурур ва ифтихор билан гапирмоқдалар. «Аёл ва мустақиллик» деб номланган давра суҳбати доирасида ҳам шу хусусда сўз борди. Мазкур тадбир «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари томонидан Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Куйида давра суҳбати иштирокчилари — давлат ва жамоат тузилмалари вакиллари, сийсий партиялар етакчилари, олимлар, шифокорлар, тадбиркорларга сўз бериб, уларнинг жамиятда аёлнинг тутган ўрнига оид фикр-мулоҳазалари билан таништирамиз.

Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:

— Дарҳақиқат, Истиқлол шарофати билан аёллар ўзларини тўлиқ намоён этиш имкониятига эга бўлдилар. Қолаверса, айнан Мустақиллик йилларида аёлга давлат ва жамият қурилишида катта ишонч билдирилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор. Улар бугун давлат бошқаруви ишларида, сийсий жараёнларга кенг жалб этилмоқда. Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Бош вазир ўринбосари этиб тайинланиши, жойларда бу вазифаларга тайинланганлар шаҳар, вилоят ёки туман ҳокими ўринбосари мақомига тенглаштирилгани давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг мавқеи нечоғлиқ ошиб бораётганидан далолатдир.

Фикримизга яна бир мисол сифатида бўлиб ўтган сайловларни, сайловолди бир қатор муҳим воқеаларни айтиб ўтиш мумкин. Жумладан, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар тўғрисидаги тегишли қонунларга парламент ислохотлари жараёнларида ўзгартиришлар киритилиб, эндиликда сайловларда иштирок этиш учун сийсий партиялар томонидан камида 30 фоиз аёллар кўрсатилиши белгиланди. Бунинг натижаси ўлароқ, бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 21 та депутат аёл янги қонунлар ишлаб чиқишига ўз хиссасини қўшиб борапти. Сенат аъзоларининг 13 фоизини ҳам аёллар ташкил этмоқда.

Умуман олганда, сийсий партияларнинг ўзи ҳам анча фаоллашиб бормоқда. Бугунги кунда республикамизда фаолият юритаётган бешта сийсий партияга давлат томонидан катта имкониятлар берилган, хусусан молиявий ёрдам ҳам

кўрсатилмоқда. Ўз навбатида, сийсий партиялар аёлларнинг жамиятда, тадбиркорлик фаолиятида фаоллигини оширишга ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Олий Мажлис депутати, шунингдек, «Адолат» социал-демократик партияси сийсий Кенгаши раиси ва партия фракциясининг раҳбари сифатида бошқа бир қатор вазифалар қаторида аёлларни жамият ишларига кенг жалб этиш, республикамизнинг раванқ топишига уларнинг хиссасини кенгайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишни устувор деб биламан.

Уйлайманки, бу борада олиб борилаётган ишлар албатта ўз меъясини беради. Аёлларимизнинг зукколиги, масъулиятли ва талабчанлиги, айниқса уларнинг ўзининг оиласи доирасида бўлса ҳам ижобий таъсир эта олиши бугунги кун талабига жуда мос келади, зеро оила — жамият пойдевори, унинг юксалиши эса жамиятнинг, умуман давлатнинг фаровонлиги демакдир.

Мамлакатимизда аёлларга яратилган имкониятларга келсак, улар ниҳоятда улкан. Бизнинг ҳуқуқ ва манфаатларимиз қонун даражасида ҳимояланган. Ўз навбатида, кейинги йилларда қабул қилинган Президентимизнинг бир қатор Фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари аёлларнинг билимларини ошириш, имкониятларини кенгайтиришга, уларнинг жамият фаровонлиги ила хоҳиш-истакларини таъминлашга қаратилган.

14 йиллик қисқа давр ичида эришган натижаларимиз фаолигимиз билан, иқтисодийётга қўшаётган улумишимиз, фарзандларимизни муносиб инсон қилиб тарбиялашда олиб бораётган сийсий-ҳаракатларимизда намоён бўлмоғи лозимдир.

Дилбар МАХМУДОВА,
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Педиатрия илмий-текшириш институти директори:

— Мустақилликимизнинг илк кунлариданоқ соғлом авлодни тарбиялаш масаласи давлат сийсати даражасида ҳал этиб келинмоқда. Бу борада аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш бўйича дастурни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳаракатга хотин-қизлар кўмиталари ўзининг сезиларли улумини қўшиб қўймоқда.

Ҳозирги кунда аксарият фуқароларимиз саломатлик тўғрисида анча билимларга эгадир. Лекин бу дегани ушбу йўналишда ишларимизни тўхтатишимиз эмас, балки янада изчиллик билан давом эттирмоғимиз зарур. Қолаверса, бу борада барча томонларнинг ўзаро манфаатдорлиги аҳамиятлидир. Фақат шундагина пировард мақсад — ҳар томонлама етуқ ва соғлом авлодни тарбиялашга эришишимиз мумкин.

Муаттар СОДИҚОВА,
Чилонзор туман хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Ўзбекистон аёллари бугунги кунда жамиятнинг то маънода тенг ҳуқуқли аъзосидир. Аёлнинг биргина Олий Мажлис ёки маҳаллий Кенгаши депутати бўлиш ҳуқуқига эга эканлигининг ўзидек мамлакатимизда инсониятнинг гўзал хилқатига яратилган кенг имкониятларнинг яққол кўринишидир.

Юртбошимизнинг деярли ҳар бир Фармонлари, ҳукумат қарорларининг амалиётга татбиқ этилиши биринчи навбатда аёлларнинг фаол иштирокини кўзлайди. Бу яна бир бор аёлларга бўлган эътибор, ишонч, уларга бўлган умид, қолаверса аёлларимизнинг ҳар бир ишга масъулият ва сидқиқилдан ёндошишига асос бўла-

ди, десак янглишмаймиз.

Албатта, фаолиятимизда ўзига яраша муаммо ва камчиликлар ҳам бор. Жумладан, Президентимизнинг тўй-ҳашам ва бошқа оилавий маросим ва тантаналарни тартибга келтириш ҳақидаги Фармонлари юзасидан хотин-қизлар кўмиталари маҳаллалар билан ҳамкорликда муайян ишлар олиб бормоқда. Лекин тан олишимиз керакки, бу борада эришилган тегишли натижаларга қарамадан, бугунги кунда жойларда оилавий маросимларнинг дабдабали, кўп харажатли янги шакллари юзга келмоқда. Уйлай-

фат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг мавқеи, қадрини янада ортди. Бугунги кунда ҳукуматимиз, шахсан Президентимиз томонидан аёлларга кўрсатилаётган ғам-хўрлик ва эътиборнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Юртбошимизнинг Фармонлари билан маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилганлиги айни мудоао бўлди. Ушбу вазифада ўз фаолиятини олиб бораётганимдан

сон озодлиги, унинг тинч ва хотиржам ҳаётидир. Бу неъматларга биз Истиқлол, аждодларимизнинг кўп асрлар давомида орзу қилган Мустақиллик тугайли эришдик. Шу боисданда ушбу неъматни эъзозлашимиз, қадрлашимиз керак.

Аёлга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, унга ўз салоҳиятини намоён этишга имконият яратиш шариатимиз қадриятлари ҳисобланади. Бу таъмоий давлатимиз сийсатида ҳам устувордир. Ораимизда зукко, ақлли, ҳар томонлама билимларга эга аёллар кўп. Бундай салоҳиятнинг қадрига етмаслик — нафақат аёлга, унинг оиласига, балки бутун жамиятимизга етказилган зарар дейиш мумкин...

Менинг тақлифим — барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан аёллар ҳаракатини фаоллаштиришга қаратилган ҳужжатлар ҳам амалиётда ўз исботини топиши учун аксарият сийсий-ҳаракатларни йўлга солиш даркор. Ушбу йўналишда сийсий партиялар, бошқа бир қатор жамоат ташкилотларининг ўрни алоҳида ажралиб турса мақсадга

мувофиқ.

Ирода АБДУЛЛАЕВА,
«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими «Зиёкор» маркази раҳбари:

— Бугунги кунда бизнинг ҳаракатимиз ҳақида билмаган кишининг ўзи бўлмаса керак, деб ўйлаймиз. Қисқа вақт ичида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари томонидан жумладан, ўз сафаримизга ёшларни жалб этиш бўйича кенг қамровли тарғибот ишлари олиб борилди. Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари даярлик барча ўқув юртларида, шунингдек асосий қисми 25 ёшгача бўлган ўғил-қизлардан иборат меҳнат жамоаларида ташкил қилинган. Бундан ташқари, фаолларимиз маҳаллаларга ҳам жалб этилган.

Уйлаймизки, «Камолот» нима билан машғул? деган савол бугунги кун тартибиде мавжуд эмас. Унинг фаолияти тўғрисида узоқ ва кўп гапириб мумкин. Ўғил-қизлар ўзини намоён этиши, ўз иқтидори, имкониятларини кўрсата олиши учун ҳаракат томонидан мажмуавий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Зиёкор» маркази олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчи-ёшларини «Камолот» мақсад ва вазифаларига йўналтириш ҳолда, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўп ишларга қўл урган. Тегишли тузилмалар билан бирга биз институт ва коллеж-лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича аниқ мақсадли фаолият юритмоқдамиз. Албатта, муаммо ва камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Уларни ҳал этиш ва бартараф қилишда шу каби учрашувлар самаранга натижа бериши шубҳасиздир.

Лутфи НИШОНОВА,
«Мустақиллик» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:

— Аёл—дунёни тебратадди, у — ҳаёт давомчиси. Шу ўринда аёл яратган мева — фарзанд қандай бўлиши керак? деган саволнинг тугайли табиийдир.

Биринчи галда фарзандни дунёга келтирувчи она соғлом бўлмоғи лозим. Шу билан бирга аёл ҳаётдан орқада қолмаслиги, ўз мавқеини доимо ошириш йўлида изланиши аҳамиятлидир. Чунки она фарзанд учун биринчи муаллим вазифасини ўтайди, демак илк тарбияни ҳам бола онадан олади.

Насиба МИРОДИЛОВА,
Тошкент шаҳар Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар жамоат бирлашмаси раиси:

— Мустақиллик шарофати билан тадбиркорлар, шу жумладан тадбиркор аёллар сафи кун сайин кенгайиб борапти. Бугунги кунда давлатимиз томонидан аёлларнинг фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Яқинда қабул қилинган бир қатор Фармонлар ҳам тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга йўналтирилгандир.

Ҳозирги кунда уюшмаимизга фаол тадбиркор аёллар билан бирга эндигина ўз ишини бошлаётган аёллар ҳам аъзо бўлмоқда. Маҳаллаларда тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган аёллар жуда кўп. Бу борадаги бизнинг вазифамиз жойларда ўқув семинарлари ташкил этиб, тадбиркорликка мойиллиги бўлган аёлларга амалий ёрдам беришдир. Тадбиркорлик фаолиятининг турли соҳаларида аёлларимиз томонидан эришилаётган ютуқлар эса бизнинг ўз олдимиизга қўйган мақсад-вазифаларимиз самарасидир.

Солиха ЮСУПОВА,
«Ифбатли келин» ўқув марказининг раиси:
— Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркор-

лар учун кенг имкониятлар яратилди. Ҳар бир юрагида шижоати бор аёл ўз имкониятларини бемалол, ўзи хоҳлагандек намоён этишга муваффақ бўлмоқда.

Кўп йиллар давомида мен ёш оналар мактабини очишни ўйлаб юраддим. Тиббиёт соҳасидаги билимларимни оширгач, ўз интилимимга ниҳоят эришдим. «Ифбатли келин» ўқув марказини ташкил этишга Япония тажрибаси асос бўлди. Билишимча, бу ривожланган давлатда кизлар турмушга чиққунга қадар махсус коллежда оила сабоқларидан таҳсил олишлари керак экан.

«Ифбатли келин» марказида ўқув жараёни 18 йўналишда олиб борилади. Бугунги кунга келиб эса унинг филиаллари бир неча вилоятларда ташкил қилинган. Ўқув марказимизда хунар эгаллаётган кизлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораёпти. Биз кизларни оилага тайёрлашда озми-кўпми ўз хиссамизни қўшаётганимиздан албатта хурсандимиз. Шунинг билан айтиш керакки, ўқув курсини тугаллаган айрим келинлар, қизларимиз ҳозирда ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборганлар.

Насихат ўрнида аёлларимизга шуни айтмоқчи эдимки, қийинчиликлар олдида ҳеч ҳам енгилмасдан, мақсадингиз сари интилишда чарчаманг.

Ирода АБДУЛЛАЕВА,
«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими «Зиёкор» маркази раҳбари:

— Бугунги кунда бизнинг ҳаракатимиз ҳақида билмаган кишининг ўзи бўлмаса керак, деб ўйлаймиз. Қисқа вақт ичида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари томонидан жумладан, ўз сафаримизга ёшларни жалб этиш бўйича кенг қамровли тарғибот ишлари олиб борилди. Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари даярлик барча ўқув юртларида, шунингдек асосий қисми 25 ёшгача бўлган ўғил-қизлардан иборат меҳнат жамоаларида ташкил қилинган. Бундан ташқари, фаолларимиз маҳаллаларга ҳам жалб этилган.

Уйлаймизки, «Камолот» нима билан машғул? деган савол бугунги кун тартибиде мавжуд эмас. Унинг фаолияти тўғрисида узоқ ва кўп гапириб мумкин. Ўғил-қизлар ўзини намоён этиши, ўз иқтидори, имкониятларини кўрсата олиши учун ҳаракат томонидан мажмуавий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Зиёкор» маркази олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчи-ёшларини «Камолот» мақсад ва вазифаларига йўналтириш ҳолда, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўп ишларга қўл урган. Тегишли тузилмалар билан бирга биз институт ва коллеж-лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича аниқ мақсадли фаолият юритмоқдамиз. Албатта, муаммо ва камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Уларни ҳал этиш ва бартараф қилишда шу каби учрашувлар самаранга натижа бериши шубҳасиздир.

Лутфи НИШОНОВА,
«Мустақиллик» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:

— Аёл—дунёни тебратадди, у — ҳаёт давомчиси. Шу ўринда аёл яратган мева — фарзанд қандай бўлиши керак? деган саволнинг тугайли табиийдир.

Биринчи галда фарзандни дунёга келтирувчи она соғлом бўлмоғи лозим. Шу билан бирга аёл ҳаётдан орқада қолмаслиги, ўз мавқеини доимо ошириш йўлида изланиши аҳамиятлидир. Чунки она фарзанд учун биринчи муаллим вазифасини ўтайди, демак илк тарбияни ҳам бола онадан олади.

Насиба МИРОДИЛОВА,
Тошкент шаҳар Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар жамоат бирлашмаси раиси:

— Мустақиллик шарофати билан тадбиркорлар, шу жумладан тадбиркор аёллар сафи кун сайин кенгайиб борапти. Бугунги кунда давлатимиз томонидан аёлларнинг фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Яқинда қабул қилинган бир қатор Фармонлар ҳам тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга йўналтирилгандир.

Ҳозирги кунда уюшмаимизга фаол тадбиркор аёллар билан бирга эндигина ўз ишини бошлаётган аёллар ҳам аъзо бўлмоқда. Маҳаллаларда тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган аёллар жуда кўп. Бу борадаги бизнинг вазифамиз жойларда ўқув семинарлари ташкил этиб, тадбиркорликка мойиллиги бўлган аёлларга амалий ёрдам беришдир. Тадбиркорлик фаолиятининг турли соҳаларида аёлларимиз томонидан эришилаётган ютуқлар эса бизнинг ўз олдимиизга қўйган мақсад-вазифаларимиз самарасидир.

Солиха ЮСУПОВА,
«Ифбатли келин» ўқув марказининг раиси:
— Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркор-



АЁЛ ВА МУСТАҚИЛЛИК

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ

манки, ушбу йўналишдаги фаолиятимизни янада жиқлашган ҳолда олиб боришимиз лозим ва бу борада айниқса диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ўрни ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлмоғи лозим.

Ёки, масалан, Зулфия номидаги Давлат муқофотига номзодларни аниқлаш бўйича ташкилий ишларни оладиган бўлсак, бу йўналишда ҳам маълум маънода оқсалиш сезилиб қолмоқда. Шаҳримизда иқтидорли ёшларимиз кўп, лекин уларнинг аксариятини қамраб ололганимизга йўқ. Сабаби, бу борада мақсадли, изчил ва доимий фаолият йўлга қўйилмаганлигидир. Айнан шу хайрли ишларда камолотчилар ҳам ўзини кўрсатса, айни мудоао бўларди. Яна бир масалага эътиборни қаратмоқчи эдим. Бу аёлларнинг иш билан таъминланиши. Давра суҳбати давомида вилоятларда, қишлоқ жойларда бу ишларни фаоллаштириш хусусида тақлифлар бўлди. Аммо ушбу масала айниқса долзарб бўлаётган пойтахтни ҳам унутмаслик лозим. Шаҳримизда ишлаш истагидаги, лекин турли сабабларга қўра бунга имкон тополмаётган аёлларимиз оз эмас. Бу билан нима демоқчимиз? Маҳаллаларда тадбиркорлик ҳаракати унча фаол йўлга қўйилмаган ва ушбу масала ечимида, ўйлаймизки, авваламбор бугунги кунда ўз бизнесини юритишга эришган аёллар кўмак бера олади.

Марям СОДИҚОВА,
Тошкент шаҳар перинатал маркази директори:

— Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Шаҳар перинатал маркази томонидан аёлларнинг репродуктив саломатлигини таъминлаш ишларида маҳаллалар, жумладан диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан ҳамкорликда фаолият юритилмоқда. Биргаликда жойларда ўқув семинарлари ўтказилмоқда.

Ҳар бир аёл, айниқса туғиш ёшидагилар ўз саломатлиги устида қайғуриши ва бу борадаги масалаларда яхши билимга эга бўлиши керакдир.
Насиба ЖАНОҚОВА,
«Корасув» маҳалласининг диний маъри-

мамнунман. Албатта, бошида осон бўлмади. Бу борада республика ҳамда жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари яқиндан ёрдам берди. Биз турли мавзудаги семинарларда иштирок этиб, кўп соҳада билимларга эга бўлмоқдамиз.

Иш тажрибамга асосланган ҳолда таъкидламоқчиманки, оилада, агарда шундай дейиш мумкин бўлса, аввало аёл киши тарбияли бўлиши керак. Шундангина оила, демак, маҳалла, бутун жамиятимиз фаровон бўлади.

Гулчеҳра ҲАМИДОВА,
«Шофайиз» маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси:

— Маҳалламизда 8,5 минг аҳоли истиқомат қилади, уларнинг 51 фоизини аёллар ташкил этади. Биз авваламбор маҳаллада нималарга эътибор бериш кераклигини аниқлаш мақсадида фаол аёллардан иборат кўча бошлиқларини сайлаб олдим. Оилаларо сўровнома ўтказиш йўли билан аёлларимизнинг муаммоларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Таҳлилларга қараганда, аксарият ҳолларда иқтисодий муаммолар устувор бўлиб қолмоқда. «Мохларойим» маркази ташкил этилишига ҳам шу туртки бўлди деса бўлади. Марказда 9 та йўналишда аёлларимизга сабоқ берилмоқда. Ва бу келажақда улар оиласининг моддий фаровонлигини таъминлашда асқотмоқда. Дарвоқе, марказда илгари оила бекаси бўлган олий маълумотли ўн тўрт нафар аёл ёшларга устозлик қилмоқда. Яқин кунларда эса маҳаллада 25 кишига мўлжалланган янги ишлаб чиқариш корхонасини очишни режалаштирмоқдамиз. Шунингдек, қизиқишлари бўйича ёш аёллар тўғраги ташкил қилинган бўлиб, бу қизларнинг билажак мустақил ҳаётга тайёрлашда кўл келмоқда. Уйлайманки, бундай тузилмалар маҳаллаларда кенг тарзда ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Озода ТўЛАГАНОВА,
Тошкент шаҳар бош отин ойсиси:

— Ҳар бир динда ахлоқ-одоб масалалари биринчи ўринга қўйилган. Ҳаёт моддий ва маънавий неъматлардан иборат. Моддий неъматлар бу — бизнинг фаолиятимиз, кийинишимиз, таом тановул қилишимиз. Маънавий неъмат эса ин-

Биз «Оқшом»нинг кекса ва ўрта авлоди «Хаётда қандай яшаш керак?» деган савол-жавоби билан яшардик. Баъзан бу ҳақда ўртамазда қизгин баҳс ва мунозаралар бошланиб кетарди. Жавобимиз турлича бўлса-да, агар улар бир тенгламага таққосланса, қўшув ва олуви билан баробар ҳалоллик ва поклик билан яшаш керак, деган хулоса келиб чиқарди.

Талабалик давримизда «Эркак ҳаётида ким биринчи ўринда туради? Онами, хотини?» деган савол устида бир неча кунлаб баҳс юритганимиз эсимда. Табиийки, бу масалада ҳам ўсимларча қарашларимиз ҳар хил бўлганди. Биримиз онани устун қўйсак, иккинчиси хотинни аёло қўрдик. Яна бошқаларимиз она билан хотинни бир-биридан камситиб бўлмайди, иккаласи битта ўринда туради, дедик. Барибир битта, хулосага умуман, жамиятда у хоҳ она, хоҳ хотин бўлсин аёл кадрли, эъзозли деган тўхтама қелдик. Назаримизда шундай баҳс ва мунозараларнинг бўлиб тургани яхшидек кўринади. Сабоби, баҳсдан фикр тугилади, мунозарадан хулоса чиқарилади.

Биз «Оқшом»чиларнинг аёлларга бўлган савими ва эътиборли муносабатларимизнинг боиси мана шундан бўлса ажаб эмас. Зеро, бугун биз билан бир сафда ишлаётган касбдош аёлларимиз — Зухра опамизнинг зийрак қарашлари, Надежда Васильевнанинг бир сўзалиги, Эльвира Сергеевнанинг ёшларга хос шадодлиги, Шарифахоннинг ўқтамлиги, Ильмиранинг хозиржавоблиги, Ольга Ивановнанинг камтарлиги, Дилоромнинг ўйчанлиги, Шояннинг шаддамлиги, Мухаббатнинг дилкашлиги, Маъфуранинг топқирлиги, Маҳсуманинг кўнгилчанлиги (ёшларимиз бизни мазкур тутишин ҳаммани номма-ном санашнинг иложи йўқ. Улар ҳамиша бизнинг дилимизда ва тилимизда) қай биримизга ёқмайди дейсиз. Биз «Оқшом»нинг забардаст эркаклари шундай гўзал, дилбар, жафокаш, ҳар бири алоҳида ҳурматга лойиқ бўлган аёллар билан ишлаётганимиздан фахрланамиз. Бу санамларнинг таърифи ва тавсифи ҳақида ҳар қанча сўз айтсак оз.

Бир донишманддан сўрашибди:
— Дунёда энг гўзал мавжудот нима?
— Аёл, — деб жавоб берибди у.
— Энг севимли одамчи?
— Аёл.
— Энг ҳурматли инсончи?
— Аёл, аёл ва яна аёл, — деб жавоб берган экан у.

Сабабини сўраса, донишманд:
— Олам гўзаллиги аёл билан мунавар, аёл — она, опа, сингил, вафодор ёр. Шунинг учун у севимли. Аёл илк замонлардан бери ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолди.

Кўриб турибсизки, ҳаёт гўзаллиги — аёлни севмасликнинг ўзи гуноҳ. Шунинг учун ҳам яна бир донишманд: «Аёлни севмаган, бу севингнинг қадрига етмаган тенг эркакка фақат ачиниб керак», деган экан. Унинг фикрини тўқдириб, шоирнинг куйидаги сатрларини келтириш мумкин.

**Кимда йўқдир қалбда оташ,
кимда йўқдир эҳтирос,
Мен уни сувсиз, қуруқ
дарёга қилгайман қиёс.
Барча дарёлар шошар,
уммонни қўзлаб, ҳар қачон
У қочар уммон қолиб, гўёки
сахролар томон.**

Ушбу сатрларни ёзгану, «Оқшом»да узоқ йиллар ишлаб кетган дўстларимиз, опа-сингилларимиз ҳам кўз ўнгимдан бирма-бир ўтади. Уларнинг кўплари хозир қарилк гаштини суриштипти, бир қанчаси оламдан ўтиб кетишди. Саргайган саҳифаларни варақлаб улар қолдирган битикларга кўзим тушганида ўша шўх ва шадод ёшлигимиз, ўша бирга юриб турган бахтиёр дамларимиз беихтиёр ёдимга тушади. Атайлаб саҳифалардан уларнинг исми ва фамилияларини излаб топаман. Ўша таниш бугун биз учун табарруқ бўлиб қолган номларига қараб туриб, улар ҳаётда беиз кетмаганига, «Оқшом» тарихида ўзига хос саҳифалар қолдириб кетганига амин бўламан. Ҳар сафар бевақт, авжи қалами чарқлаб, илҳоми жўшиб турган пайта оламдан ўтган сафдошларимизни эслаганимда, балки уларнинг меҳнатини озми-кўпми даражада қадрлаб эслаш, уларнинг руҳини шод этиш учун Тангри-

миз бизга узоқ умр бағишлагандир, деган ҳаёлга бораман.

Хотираларга тутқун бўлиб бош мавзудан бироз четлашиб кетдик чоғи. Келинг, асосий гапга қайтайлик.

Инсон зоти борки, эмин-эркин яшашни истайди. Ўз юрти озод ва обод бўлишини, ҳеч кимга қарам бўлмастлигини истайди. Яқин ўтмишимизга назар ташлайдиган бўлсак, энг аввало оташнафас адибимиз Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носирлар кўз ўнгимизга келади. Уларнинг бирдан-бир истақлари она Туркистонни озод ва обод кўриш эди. Аждодларимизнинг руҳи-поки қўллаб, уларнинг умр бўйи қилган ниятлари мустақаб бўлди, Ўзбекистонимиз Мустақиллиқни қўлга киритди. Биз ҳикоя қилаётган 1994 йил эса озод республикамиз уч ўшга тўлиб ўз келажаги йўлида дадил одим ташлаётган йил бўлиб тарихга кирди. Истиқлол ҳимояси бугун брчаимизнинг қалбимиздан, тилимиздан жой олди. Афсуслар бўлсинки, йиллар мобайнида ўз

нинг кўзга кўринган алломалари иштирок этадилар. Миллий мафкурамиз, Истиқлол масъулияти, бизнинг фарзандлик бурчимиз, инсоф, ватанпарварлик, билимга интилиш, маънавий камолот каби олий фазилатлар суҳбатларимиз асосини ташкил этади. Ҳайлимизки, сиз азиз оқшомхонлар ҳам шу руқн мавзусидаги мақолаларингиз билан газетамизда фаол қатнашасизлар.

«Оқшом»хонларни мавзу билан янада яқинроқ таништириш ниятида «Маърифий суҳбатлар» руқни остида эълон қилинган дастлабки мақолада баъзи парчаларни келтиришни лозим топдик.

— «Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинганга уч йил тўлапти, — дейилади «Истиқлол масъулияти» деб номланган мақолада. Мустақилликнинг мазмуни, моҳияти нималардан иборат эканлигини биз тобора англаб бораёмиз. Аммо шу нарса ҳам аёнки, биз деярли 130 йил давомида мустақиллик бўлиб, ундан кейин эса марказга қарам бўлиб оғир шароитларда яшадик. Энди олам ўзгарди. Олам қанчалик ўзгарганини билиш имкониятлари мустақиллик туфайли мисли қўрилмаган даражада кенгайди.

Ҳозирги пайтда энг жиддий ва масъулиятли вазифалардан бири ана шу имкониятлардан самарали фойдалана олишдир. Утган салкам уч йил шу вазифаларни бажаришда энг муваффақ бўлиш десак хато қилмаган бўламиз. Бундай дейиш учун асосий замин шундан иборатки, давлатимиз тинчлик ва барқарорлик шароитида ривожланмоқда. Бир кунлик уруш, бир кунлик жанжал ва тушунмовчиликлар, халқимиз айтгандек қирқ кунлик осуда ҳаётни бузади Республикаимиз раҳбарияти ниҳоятда мураккаб вазиятларда тинчлик ва барқарорлиқни таъмин этишнинг йўлларини топа билди. Атрофимиздаги бошқа давлатларнинг кўпчилиги қандай қилиб тангликдан, ҳарбий тўқнашувлардан, қон тўқилишидан, кишиларнинг ҳалок бўлиши фожеасидан қутулиш йўлларини излаш билан овора бўлган бир вақтда, биз ўз давлатимизда тинчлик ва барқарорлик туфайли қандай қилиб қишлоқ хўжалигини, хунарамандчиликни, саноатни кўтариш йўлларини изламоқдамиз.

Мустақиллик бу тайёр нарса эмас. Уни курашда, меҳнатда, изчил фаолиятда мустақамлаш ва янги қирраларни кашф этиш, очиб бериш керак. Афсуски, давлатимизда шундай кишилар ҳам борки, уларнинг фикрича мустақиллик гўёки эски тузумнинг барбод бўлиши натижасида ўз-ўзидан бизга ҳаёда этилгандек ҳис қилади. Ҳолбуки бундай эмас. Мустақиллик учун кураш деярли 130 йиллик тарихга эга. Бизнинг қийинчилигимиз, машъум фожеамиз шундан иборат эдики, айниқса, кейинги 70 йил давомида мамлакатда мавжуд бўлиб турган ўзравонлик социализми энг адолатли жамият, деб халқимизнинг онгига сингдирилди. Энди биз мустақилликка эришиб бу масалаларга кенг ва чуқурроқ равишда қарашни ўрганишимиз керак».

Албатта, бу гапларнинг ҳаммаси бизнинг ўтмишимиз. Лекин ўтмишни билмай, эсламай, ёш авлодлар онгига сингдирмай туриб, бугунги эрқин кунларимизнинг биз учун нақадар ёқимли ва мазмуни эканлигини бўйбаста билан тўлалигича тасаввур этишимиз қийин.

1994 йил «Оқшом» ҳаётида анча мазмуни йил бўлганлиги билан ҳам фарқланади. Бу асосан газетда янги руқнларнинг пайдо бўлиши, мақолалар мавзунинг кенг ва ранг-баранг кўриниши ва сифат ўзгаришидан ҳам билини туради. Айниқса, шу йиллари Темур Убайдулло, Шўхрат Армон, Мақшур Мирзамухамедова, Фулом Юсупов, Саъдулла Шодиев, Дилшод Исроилов, Феруза Фуломова каби сафдошларимизнинг фаол иштироки саргайган саҳифаларда ўзини намоян этиб турибди.

Йиллар ўтади. «Оқшом»нинг саҳифалари тобора кенгайиб, тўлиб бораверади. Ишончимиз комилки, тадқиқотчилар, келажақ авлод журналистлари ҳали улар ҳақида қўп ва хўп ёзишади. Бунга ишончимиз комил.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Шарқ дурдоналари

03-03 ЎРГАНИЙ
ДОМО БУЛУВ...

● Ақлли кишилар гийбатчилардан узоқ бўладилар, чунки гийбат энг ёмон одатлардан бўлиб, келтирадиган зарари кўпдир.

Байт:

**Айтмагил гийбат
сўзин, ҳам унга ҳеч
солма қулоқ,
Ундан оғзинг ҳам,
қулогинг пок
бўлса яхшироқ.**

● Олимлардан Фахридин Розий айтади:

— Тиланчини қуруқ қайтариш, жохил билан ҳамсуҳбат бўлиш, молу дунё ортиришга ҳарислик ва оиласини маишат жиҳатидан тангликда қолдириш бадбахтлик нишонасидир.

● Машҳур донишманд Бузуржмеҳрдан: «Билимни нима нарса безайди? Шижоатни-чи, саҳийликни-чи?» деб сўрадилар.

Донишманд айтди: «Билимни — тўғрилиқ, шижоатни — афв қилишлик ва саҳийликни — очиқ юзлилик ва ширинсўзлик безайди».

● Олимлардан Шайх Жуманд айтади:

— Ёлгон сўзлаш эзмалик, такабурлик, қақимчилик кишининг обрўсини йўқотади. Вафодорлик, сабр қилишлик, шошма-шошарликдан парҳез этиш ва тавозе обрўни кўтарайди.


● Жалолидин Румий айтади:

— Кумушнинг ташқи кўриниши оппоқ бўлса ҳам қўлда ва чўнтақда кўп тutilса, қора юқтиради. Шунга ўхшаш баъзи одамларнинг сўзлари зоҳирада кумуш каби порлоқ ва тоза кўринса ҳам, лекин қайғу ва зарар келтиради. Уларнинг сўзларига ишониб гафлатда қолган соддадил одамнинг кўнгли қораланади, тубанлашади.

Кўринишда гўзал, ҳақиқатда ёмонлик мисоли бўлган одамларнинг сўзларига қараманг, жамиятга қилган таъсирларига, ярамас хулқларининг кўркинчли натижаларига қаранг, кичинтой ёш бола чўғ-ўтни севади, куйдирса додлаб йўғлайди. Кичинтойлар чўғдан, соддадил одамлар эса хийлакор, найрангбоз, мунофиқлардан қуядилар.

Байт:

**Яхшилардан
кўрасан меҳр-вафо,
Сенга етказгай
мунофиқ кўп жафо.**



Тарафдори

МАКТАБЛАР ЎҚУВ ЙИЛИГА ШАЙМИ?

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган 14 йили республикамиз ҳаётида, айниқса халқ таълими тизимини ривожлантириш борасида улкан ўзгаришларга бой бўлди. Шу йиллар давомида таълим соҳаси давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиб туб ислохотлар амалга оширилмоқда. 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида муайян ишларни бажариш баробарида таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш ҳамда уни мазмун ва сифат жиҳатидан такомиллаштириш борасида ҳам кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Мирзо Улуғбек туман халқ таълими бўлими томонидан ҳам мазкур дастурларга амал қилган ҳолда иш олиб бориляпти. — Энг улуг, энг азиз байраимимиз арафасида ушбу Давлат умуммиллий дастурида белгиланган йўналишлар бўйича туманимизда бир қатор ишлар амалга оширилди, — дейди туман халқ таълими бўлими бош муҳандиси Лазиз Ходжамов. — Жумладан, 207-мактаб капитал реконструкция

қилинди. Бунинг учун 1 миллиард 30 миллион сўмлик маблағ ажратилди. 211-мактаб эса қайта таъмирланди. Ушбу мактабни таъмирлаш ишларига 120 миллион сўм сарфланди. 130-максус мактабда эса шу кунларда жорий таъмирлаш ишлари жадал бормоқда. Бунга 27 миллион тўққиз юз минг сўм маблағ ажратилган. Шунингдек, 225-мактабнинг таъмирланиши учун тумандаги ҳомийлар томонидан 115 мил-

лион, шаҳар ҳокимлиги томонидан эса 18 миллион сўм маблағ ажратилди. Хуллас, туманимиздаги мазкур мактабларда ишлар кўнгилдагидек. Қайта таъмирдан чиққан ўқув муассасалари наинки кўркамлиги, озодлиги билан, балки ҳаётан андозаларига мос равишда жиҳозланганлиги билан ҳам кўнгилларни хушнуд этади.

Дарҳақиқат, мактаб муқаддас қошо-на. Чунки бу даргоҳда билим, интилувчан, ҳар томонлама баркамол ёшлар, ёрқин келажагимизнинг асл яратувчилари камол топишади. Шундай экан, замонавий, шинам, озода, саришта, керакли анжомлар билан жиҳозланган мактаблар ҳаммаша ўз бағрини интилувчан, изланувчан ёшларга очаверсин. Ўқиш бошланishiга ҳам санокли кунлар қолди. Бинобарин, шахримиздаги барча мактаблар Мустақиллик байрами арафасида янги ўқув йилига шай бўлмоқда.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: 207-мактабдаги капитал реконструкция жараёнидан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан Тошкент Киновидеотехника касб-ҳунар коллежи, Миробод Транспорт касб-ҳунар коллежи, У.Носир номли Матбаа ноширлик касб-ҳунар коллежи ва Юнусобод Дизайн касб-ҳунар коллежларига директорлик лавозимига танлов эълон қилади.

Танловда илмий даража (илмий унвон) ли ёки педагогик (касбий таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича олий маълумотли мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар куйидаги ҳужжатлар тақдим этадилар:

1. Бошқарма бошлиғи номига ариза.
2. Тавсиянома.
3. Сўровнома.
4. Таржимаи ҳол.
5. Маълумоти ҳақида ҳужжатларнинг асл нусхаси.

6. Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса).

7. Илмий - услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).

8. 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат.

9. Номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепция). Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри,
М.Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 7-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 136-05-01, 133-80-34.

“YANGI BOBOD IXTISOSLASHGAN BOZOR” OCHIK AKTSIYADORLIK JAMIYATI AKTSIYADORLARI DIKQATIGA!

“Янгибод ихтисослашган бозор” ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси 2005 йил 10 сентябрь кунни соат 11-00да жамият маъмурий биносида бўлиб ўтади.

МАЖЛИС КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг 2004 йил молиявий ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини қайта тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2004 йил молиявий ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини қайта тақсимлаш.
3. Жамият тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.
4. Жамият низомига ўзгартириш киритиш ҳақида.
5. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш ҳақидаги Низомни тасдиқлаш.

АКЦИЈАДОРЛАР РЎЙХАТИ 2005 ЙИЛ 25 АВГУСТ ҲОЛАТИГА ТЎЗИЛГАН.

Кузатув кенгаши.

2005
Йил 27
августдан
бошлаб

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»
РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ
ТОШКАНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМЛИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ
«ШАРҚ МАШЪАЛЛАРИ»

Катта халқаро байрам дастури
Дастурдан:

ўргатилган кучукчалар, маймунчалар,
каптарлар билан фантазиялар,
илон ўргатувчи бўғма илон билан,
чавандоз йигитлар ва
бошқа кўплаб иштирокчилар
ҳамда қизиқарли томошалар ўрин олган.
ТОМОША ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ!!!

Томошалар: шанба ва яшанба кунлари соат
12.00, 15.00 да бошланади.
Чиптаалар цирк кассаларнда ва туман кассирлар
томонидан сотилади.

Ҳақ ҳар хил шаклда тўлашни мумкин.
Касса ортада соат 9.00 дан ишлайд.

Маълумотлар учун телефонлар:
144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

Истиқлол ва
ёшлар

ИЛМ-ФАНИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Ўзбекистон Фанлар академиясида ёш олимларнинг мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган анжумани бўлиб ўтди. Унда Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда республикамиздаги олий ўқув юрталари аспирантлари, ёш илмий ходимлар ва талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев анжумани очар экан, истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз илм-фани янги, юксак босқичга кўтарилгани, олимларимиз яратган ихтиролар жамият ривожига хизмат қилаётгани, бунда ёш тадқиқотчиларнинг истеъдоди тобора кўпроқ намоён бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Анжуман доирасида ёш олимлар танлови голиблари эълон қилинди. Улардан бири — Фанлар академияси Астрономия институти катта илмий ходими Отабек Бурхонов гравитацион линзаланган системалар мавзусида илмий изланиш олиб борапти. Астрофизика ва радиоастрономия соҳаси ривожига хизмат қиладиган мазкур фундаментал изланиш натижасида ҳозирдаёқ учта муҳим хулоса олинди — осмон жисмларини кузатувчи йирик маълумотлар банки яратилди. Айрим линзаланган осмон жисмларининг кечикиш вақти аниқланди. Космосдан олинган рақамли тасвири қайта ишлашнинг янги замонавий услубини ишлаб чиқиш имконияти юзга келди. Анжуманда «Йилнинг энг яхши илмий иши» танлови голиблари ҳам аниқланди.

ЎЗА

Диккат, эғиллик!

ЗАМОНАВИЙ ҲАВО КЕМАЛАРИ

«Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятида Ил-76 МФ русумдаги янги ҳаво кемалари йиғилляпти.

Бу ҳарбий транспорт самолёти бўлиб, ўзининг мавжуд имкониятлари жиҳатидан бутун жаҳонда ягоналардан саналади. Шу кунгача Россия Федерациясининг буюртмасига кўра Ил-76 МФ русумли иккита ҳаво лайнери тайёрланди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, Россия Федерациясидаги энг йирик юк ташиш «Волга-Днепр» компанияси буюртмасига асосан Ил-76 ТД-90 русумли иккита замонавий ҳаво кемаларини ҳам йиғишга киришилди.

Дилором
ДУСТМУҲАМЕДОВА

Спорт

ХАЙРЛИ НИЯТЛАР БИЛАН

Кейинги йилларда мамлакатимизда стол тенниси ҳамда ривожданмоқда. Янгидан янги ёш иктидорлар етиштириб чиқилмоқда. Грецияда ўтказилган Олимпиада ўйинларида спортчиларимиз иштироки ҳам фикримиз далилидир.

Куни кеча эса мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси аъзолари жаҳон биринчилиги турнирида қатнашиш учун Хитойга жўнаб кетишди.

Шуни айтиш керакки, спортчиларимиз жаҳон биринчиликларида мунтазам қатнашиб, юқори натижаларни кўрсатиб келишмоқда. Жумладан, ўтган йили ўсмирларимиз элликдан ортиқ мамлакат вакиллари ўртасида аълобик натижаларни кўлга киритган ҳолда кучли бешликка кириб, мутахассис мухлисларни хушнуд этган эдилар.

Эртага бошланадиган энг нуфузли мусобақалардан бири — жаҳон биринчилиги тўрт кун давомига ўтказилиб, голиб ва совриндорлар 28 августда маълум бўлади.

Мустақилгимизнинг ўн тўрт йиллиги арафасида поёнига етadиган биринчилик бахсларида Ш.Бурхонқўжаева, Н.Бурхонқўжаева, Г.Хусанова, О.Исмоилова, Р.Булсанова, Р.Бурудий, Қ.Мақсудов каби ёш, умидли кичик ракетка усталаримизга омад ёр бўлишига тилакдошимиз. Зеро, ўтган йиллар тажрибасига таянган ҳолда ўсмирларимизнинг бу йилги мусобақаларда кучли ўликлдан ўрин олишлари учун барча имкониятлар етарлидир.

НАТИЖАЛАР ЯХШИЛАНМОҚДА

Маълумки, ҳар ойда халқаро футбол федерацияси — ФИФА терма жамоалар кўрсатган натижаларга кўра рейтинг жадалини мунтазам равишда эълон қилиб боради.

Август ойи ҳали якунланмаган бўлса-да ФИФAnинг ушбу ой учун навбатдаги рейтинг жадалини эълон қилди.

Шуниси қувонарлики, саралаш босқичининг охириги ўйинида ўз майдонида Қувайт терма жамоасини 3:2 ҳисобида енгиб, плей-офф босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритган чарм тўп усталаримиз 561 очко жамгаран ҳолда анча юқорилаб, 62-ўринга чиқиб олишди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги терма жамоалари орасида учинчи натижадир.

Биринчи ўринни эса қаторасига бир неча ойдан буён сўнгги жаҳон чемпионлари — бразилияликлар эгаллаб келишмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

Ўзбекистон Марказий ва Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаса уюшма Кенгашлари Журналистлар ижодий уюшмасининг раиси ва маданият ходимлари Марказий Кенгашнинг раёсати аъзоси Шерзод Ҳамидович Гуломовнинг падари бузруквори Ўзбекистон халқ ёзувчиси, танikli шоир

Ҳамид ҒУЛОМнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади.

Болалар спорти

“СОҒЛОМЖОН-ПОЛВОНЖОН” МАРОҚЛИ ЎТДИ

Келажагимиз ворислари — фарзандларимизнинг маънан етук, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишларига жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти беқийс. Мактаб ўқувчиларининг ёзи таътил кунларини мароқли ўтишини таъминлаш мақсадида «Камолот» ЁИХ, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимлари ҳамкорликларида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида уюштирилаётган кўнгилочар тадбирлар, танловлар, спорт мусобақалари эса таҳсинга сазовордир.

Чилонзор туманидаги «Мевазор» маҳалласи стадионида «Камолот» ЁИХ Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан «Соғломжон — полвонжон» деб номланган спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Сихат-саломатлик йили муносабати билан ўтказилган ушбу мусобақаларда «Мевазор», Шотурсун Гуломов ва «Бўрижар» маҳаллалари

жамоалари ўзаро беллашдилар. Шуниси эътиборлики, ушбу мусобақалар уч йўналишда ташкил этилди. Аввалига рақиб жамоалар ҳакамлар ҳайъатига ўзларининг «Кувноқ стартлар» эстафетаси ўйинларида қаҳқонлик, зукколик, эпчиллик борасида эгаллаган билимларини намойиш этишди. Унда голиблик «Мевазор» маҳалласи жамоасига насиб этди. Футбол бахсларида эса маҳорат ва тажриба ботида рақиблари га нисбатан чиرويли ўйин намойиш этган Шотурсун Гуломов маҳалласи ёш чарм тўп усталари биринчи ўринга лойиқ деб топилиди. Мусобақаларнинг сўнгги шашка бахсларида яна омад «Мевазор» маҳалласи болаларига кулиб боқди. Мусобақалар якунида голиб ва совриндорларга «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши ҳамда «Маҳалла умидлари» марказининг эсдалик совғалари, фахрий ёрликлар тўхфа этилди.

Ақбар Йўлдошев

Футбол

ДАРВОЗАЛАР ДАХЛСИЗ ҚОЛДИ

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 16-тур бахслари етакчи жамоа «Пахтакор»ни муҳим очколардан маҳрум этди.

Маълумки, жорий йилги мавсумда ҳам чемпионликини ният қилган пахтакорчиларга галаба сув билан ҳаводан зарур эди. Сабаби, ҳозирча турнин жадалида биринчи ўринни эгаллаб турган «Насаф» ҳам ҳар бир беллашувни муваффақиятли ўтказмоқда. Энг қизиғи, ушбу турда «Насаф» сафарда «Сўғдиёна» билан беллашганига қарамай 1:0 ҳисобидаги галабани кўлга киритди. Самарқандда «Самарқанд-Динамо»га қарши тўп сурган тошкентликлар эса рақиблар дарвозасига бир неча бор хавфли ҳужумлар уюштиришга эришган бўлсаларда, мезбонлар қаршичилигини синдира олишмади. Хуллас, 90 дақиқа дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолган самарқандликлар ҳам, тошкентликлар ҳам зарур очколардан маҳрум бўлиб, мурса йўлини танлашга мажбур бўлишди.

Қолган учрашувлар куйидагича якунланди. «Нефтчи» — «Трактор» 2:1, «Навбахор» — «Шўртан» — 3:2, «Металлург» — «Локомотив» — 1:0, «Қизилқум» — «Бухоро» — 2:2, «Машъал» — «Тупалан» — 3:1.

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 17-тур учрашувлари 27 август куни бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

Мунажжим башорати

ЭҲТИЁТКОРЛИК ПАНД БЕРМАЙДИ

24 АВГУСТ — ЧОРШАНБА

Тунги ва азонга яқин соатларда(қарийб соат 04.59 гача) Ой сайёраси йўналишиз ҳолатда туриши шу вақт мобайнида бир сайёра ҳаётига «бурун сукиб» бўлмаслиги, ортикча қизикувчанлик анчагина кўнгилсизликларга сабабчи бўлиши мумкинлигини билдиради. Мунажжимлар шу куни қундузи ва кечқурун 8-10 июль ёки 5-7 август кунлари содир бўлган воқеаларга яна дуч келишингиз мумкинлигини башорат қилишди.

Ушбу чоршамба янги танишувлар, муҳаббат мулоқотлари, ижод учун гоят қулай келади. Узоқ давом этадиган ҳар қандай ишни бошлаш мумкин. Сартарошонага бориш, кийим-кечак, санъат асарлари харид қилиш, даракт, ўсимлик қўчатларини ўтказиш, мол, қўй-эчкиларни сотиб олиш хайрли бўлади.

Хираликдан, макр-хийла, гийбат-иғволар ва бегона таъсирлардан эҳтиёт бўлинг. Тушадиган тақлифларга эътиборсиз бўлманг. Бугун қарзга пул олиш ёки бериш мумкин эмас. Шу куни ҳамма эски ва керакисиз нарсалардан қўтулиш, уйлари кўтариш, хоналарга исирик тутатиш жуда фойдали бўлади.

Биринчи навбатда қалит, паррандалар ва исмлар билан боғлиқ аломатларга бугун айниқса эътиборли бўлиш талаб этилади. Кечаси юлдузларга қараб, ўз келажагингиз ҳақида хабарлар олишингиз, кўпгина саволларга жавоб топишингиз мумкин.

Тушингизда ўзингизни кўзгуда кўриш — сирларингиз фош бўлиши ва иғво-бўхтонлардан огоҳлантиришдир. Тушда учиш — тўсиқлар барҳам топишига ишора. Паррандаларни тушда кўриш - ҳаёт синоваларига дуч келиш демакдир.

Томоқ ва товуш пайларингизни эҳтиёт қилинг. Танангиздан совуқ ўтиб кетмаслигига ҳаракат қилинг.

Кийим-кечаклардан оқ, сариқ ва қумушранг либослар шу кун руҳига мос бўлади. Қорамтир, айниқса, жигардан тусли кийимларни жавонингизнинг нариги чеккасига суриб қўйинг.

БУГУН:

- янги ишни бошлаш;
- кунни ўзингиз учун энг ёқимли машғулотга бағишлаш;
- яқин кишиларингиз ва узоқ қариндошлар билан алоқаларни тиклаш;
- деҳқончилик — зироат ишлари билан машғул бўлиш, тоза ҳавода ишлаш;
- агрономлар, сув хўжалиги ходимлари, санитария-эпидемиология ходимлари билан мулоқотда бўлиш;
- хушмуомала ва очик кўнгилчиликка интилиш;
- шаҳар ташқарисига чиқиб кетиб, анҳор, дарё бўйларида, сунъий сув ҳавзаларида мириқиб дам олиш тавсия этилади.

Спортнинг хавф-хатарли турлари билан шуғулланиш, таваккалчиликка йўл қўйиш, ўжарлик қилиб, вазиятга қарши бориш таъқиқланади.

«Камолот» хабарлари

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ

Куни кеча Тошкент маданият коллежида Сихат-саломатлик йилига бағишланган гивеандлик ва ОИТСга қарши кураш бўйича учрашув ўтказилди. Бу тадбирга «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси қошида очилган ишонч пункти бош шифокори Разно Бозорова тақлиф этилиб, ёшлар ўзларини қизиктирган саволларга жавоб олдилар.

● Тошкент Молия институтига қарашли 1-2-ётоқхонада истиқомат қилadиган талабалар ўртасида спортнинг стол тенниси, мини-футбол ва тош кўтариш турлари бўйича спартакиада ўтказилди.

● Худди шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Миллий университетининг спорт мажмуасида талаба ва ўқитувчилар ўртасида ҳам бўлиб ўтди.

СЕРГЕЛИ ТУМАНИ

Куни кеча Сергели туманида жойлашган 247-мактабда ҳарбий спорт оромгоҳи иши бошлади.

Оромгоҳга туман ички ишлар бўлими назоратида турган 50 нафар тарбияси оғир болалар жалб қилинган. Бундан ташқари туманда жойлашган 268, 284-мактабларда ҳам ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилган бўлиб, 100-200 нафар болалар шу оромгоҳларга жалб қилинган. Оромгоҳларда сардорлар кенгашидан ишчи гуруҳлар тузилган бўлиб, турли тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилляпти.

Нодира НИЗАМОВА,
«Бунёдкор» ёшлар телеклуби ходими

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг кордонгизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, куйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари тахририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.


Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбعا акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.



Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

катталар — 133-29-70;
эълонлар
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулida босилади.
2496 нусхав босилиди, Қотга биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563